

## ЯЛ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

□ йил сентябрь ойининг □ кунда жиноят ишлари бўйича □ туман судининг очиқ сайёр суд мажлиси □ туман ИИБнинг биносида бўлиб, раислик қилувчи, туман суди раиси □, судья ёрдамчиси □ котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси □ туман прокурорининг катта ёрдамчиси □, судланувчи □ ва унинг ҳимоячиси адвокат □, жабрланувчилар □, □, □ ҳамда □ ва адвокат □ иштирокида, судланувчи □ □ нисбатан бўлган №□-□-□/□-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

□ ҳужжатларига кўра;

□ □ □ (□ □ □) □ йил □ март кунини □ вилоятининг □ туманида туғилган, миллати ўзбек, □ □ фуқароси, оилали, бир нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, □ тумани, “□” маҳалла фуқаролар йиғинида яшайди, унга нисбатан муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатнома нусхасини ўз вақтида олган.

□ □ ЖК □-моддаси □-қисмининг “а,г” бандлари, □-моддасининг □-қисми билан айбланиб судга берилган.

□, судланувчи, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишдаги мавжуд бўлган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидагиларни,-

### А Н И Қ Л А Д И:

□ □ □ □ ғаразгўйлик ва бошқа паст ниятларда □ йил □ май кунини “□” ижтимоий тармоғида очилган “□ фуқаролари” гуруҳига ўзининг +□ □-□-□ телефон рақамига очилган “□ учун, халқ учун” профилидан кириб, “□” маҳалла фуқаролар йиғини раиси □ ва шу маҳалланинг хотин-қизлар фаоли □, маҳалла профилактика инспектори □ □ йилда ўзини осиб ўлдирган акаси □ ўлимида айбдор шахслар сифатида ҳисоблаб, уларни акасини қотили эканлиги ҳақидаги матнли ёзувларни □ жаҳон ахборот тармоғига жойлаштириш орқали, ўта оғир жиноятни содир этишда айблаб тухмат қилган.

□ □ □ □ ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, □ йил июнь ойи давомида турли вақтларда “□” ижтимоий тармоғида очилган “□ кўчаси” гуруҳга ўзининг +□ □-□-□ телефон рақамига очилган “□ учун, халқ учун” профилидан кириб, “□” маҳалла фуқаролар йиғини раиси □, хотин-



қизлар фаоли [ ], маҳалла профилактика инспекторлари [ ], [ ], [ ] туман ИИБ бошлиғи [ ], туман прокурори, туман ҳокимияти вакиллари “жиноятчи”, “ўғрилар”, “қотиллар”, “порахўр”, “очкўз”, “халқни пулини ейдиган инсон”, “халқ хоини”, “худо урган”, “каламуш”, “[ ] босим ўтказди”, “[ ] қилади”, “[ ]”, “халқни ўлдиришни ўйлайди” каби ёзувли матнларни, овозли хабарларни [ ] жаҳон ахборот тармоғига жойлаштириш, айнан “[ ]” маҳалла фуқаролар йиғини раиси [ ], хотин-қизлар фаоли [ ] бошқа ҳолатларда тушган фотосуратлари остига “[ ]”, “[ ] халта” каби сўзларни ёзиб, гўёки уларни шу нарсаларга қиёслаб, ғаразгўйлик ва бошқа паст ниятларда маҳалла раиси [ ], хотин-қизлар фаоли [ ], маҳалла профилактика инспекторлари [ ], [ ], [ ] туман ИИБ бошлиғи [ ], туман прокурори, туман ҳокимияти вакиллари шарманда қиладиган уйдирмаларни тарқатиб, туҳмат қилиб, уларни шаъни ва қадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаган.

[ ] ишини бир қисми тарафлар ярашганлиги муносабати билан ҳаракатдан тугатилган.

[ ] сўралган судланувчи [ ], айбига иқрорлик билдириб, [ ] тумани [ ] маҳалла фуқаролар йиғинида яшаб келишлигини, турмуш ўртоғи бир неча марта жанжал қилиб уйига кетиб қолганлигини, маҳалла раиси [ ] мурожаат қилганлигини, улар турмуш ўртоғини олиб келишиб, яраштириш чораларини кўрганликлари, лекин турмуш ўртоғи ярашишни хохламаганлиги, турмуш ўртоғи кетиб қолганлиги учун бир нечта ташкилотларга мурожаат қилиб, лекин мурожаати ижобий ҳал бўлмаганлиги, шу сабабли [ ] йил [ ] май куни “[ ]” ижтимоий тармоғида очилган “[ ] фуқаролари” гуруҳидаги +[ ]-[ ]-[ ] телефон рақамида очилган “[ ] учун, халқ учун” профилидан кириб, маҳалла фуқаролар йиғини раиси [ ], ва хотин-қизлар фаоли [ ], маҳалла профилактика инспектори [ ] [ ] йилда ўзини осиб ўлдирган акиси [ ] ўлимида айблаганлиги, ёзувларни интернет тармоғига жойлаганлигини, шунингдек июнь ойида “[ ]” ижтимоий тармоғида очилган “[ ] кўчаси” гуруҳида ҳам маҳалла раиси [ ], хотин-қизлар фаоли [ ], маҳалла профилактика инспекторлари [ ] ва [ ], ИИБ бошлиғи, прокурор, ҳокимияти вакиллари шаънига ҳақоратли сўзлар айтиб, ёзувли матнларни, овозли хабарларни [ ] жаҳон ахборот тармоғига жойлаштирганлиги, [ ] ва [ ] тушган фотосуратларини топиб, унинг тагига бир неча ҳақорат сўзлар ёзганлигини, қилган ишидан пушаймонлигини, улардан кечирим сўраганлигини, ярашганлигини, хулоса чиқариб олганлиги, барчадан кечирим сўрашгани билдириб, оилавий шароитини инобатга олиб қонуний енгиллик беришликни сўраб кўрсатув берди.

[ ] [ ] судда ўзининг айбига иқрорлик билдириб кўрсатув берган бўлсада, унинг айби қуйидаги далиллар билан судда сўралган қисми



ярашув билан тугатилган жабрланувчи □, судланувчини танишлигини, терговда берган кўрсатувларини тасдиқлашлигини, у билан келишмовчилиги йўқлигини, □ йилдан буён □ МФЙ раиси бўлиб ишлаб келишлигини, □ оиласида бир неча марта турмуш ўртоғи билан келишмовчилик бўлганлигини, маҳалла хотин-қизлар фаоли □ билан унинг турмуш ўртоғини уйига бир неча марта олиб келиб берганликлари, уларни яраштириш масаласи ИИБда ҳам кўрилганлиги, бироқ улар ярашмаганликлари, шундан кейин □ улардан норози бўлиб, вафот этган акасини қотиллари деб □ фуқаролари гуруҳда телефон орқали ижтимоий тармоққа кириб, уни, □, профилактика нозирлари, ИИБ бошлиғи, прокурор, ҳокимият вакилларида норозлигини билдириб, ҳақоратли сўзлар айтиб, туҳмат қилаверганлигини, шундан жаҳли чиқиб, ўзи ҳам телефон орқали ижтимоий тармоққа кириб, □ ҳақорат қилиб, тармоққа жойлаганлигини, ҳозирги вақтда бир-биридан кечирим сўраб, ярашганликлари ҳақидаги кўрсатуви билан;

□ сўралган қисми ярашув билан тугатилган жабрланувчи □, судланувчини танишлигини, терговда берган кўрсатувларини тасдиқлашлигини, ўзи □ йилдан буён □ МФЙда хотин-қизлар фаоли бўлиб ишлашлигини, □ ва унинг турмуш ўртоғи □ оилавий келишмовчилиги □ йил август ойига қадар давом этиб келганлигини, уларни яраштириш масаласи бир неча марта муҳокама қилинганлиги, лекин улар ярашмаганликлари, шундан кейин □ норози бўлиб, уни, маҳалла раиси, профилактика инспекторлари, ИИБ бошлиғи, прокурор ва ҳокимият вакилларида телеграмм ижтимоий тармоғига кириб бир неча марта ҳақоратли сўзлар айтиб, туҳмат қилиб келганлигини, шундан кейин жаҳли чиқиб ўзи ҳам ижтимоий тармоққа кириб уни ҳақоратлаганлиги, ҳозирги вақтда □ билан бир-биридан кечирим сўраганликлари, у билан ярашганликлари ҳақидаги кўрсатуви билан;

□ сўралган жабрланувчи □, судланувчини танишлигини, ўзи □ туман ИИБ ЖХХ ХПБ профилактика инспектори бўлиб ишлаб келишлигини, □ МФЙда хизмат олиб боришлигини, □ телеграмм ижтимоий тармоғида очилган □ фуқаролари гуруҳда маҳалла раиси □, хотин-қизлар фаоли □, уни, профилактика нозирлари □ ёлғон, бўхтон сўзлар ёзилган матнли, овозли ёзувларни ўзининг телефонида очилган □ учун □ учун профилидан интернет жаҳон тармоғига тарқатиб туҳмат қилиб келганлигини, у билан гаплашиб бундай ишни қилмасликни айтганлиги, лекин у давлат органлари ходимларига туҳмат қилиб келганлигини, унга нисбатан даъвоси борлигини, қонуний чора кўришликни сўраб берган кўрсатуви билан;

□ сўралган жабрланувчи □, □ туман ИИБ ЖХХ ХПБ профилактика инспектори бўлиб бир неча йиллардан буён фаолият юритиб келишлигини, маъмурий ҳудуд сифатида □ МФЙ бириктирилганлиги, судланувчи □



маҳаллада яшашлигини, у телеграмм ижтимоий тармоғида очилган □ фуқаролари гуруҳида маҳалла раиси □, хотин-қизлар фаоли □ ва уни акасини вафоти учун қотил, порахўр ва бошқа ҳақоратли сўзлар билан тармоққа чиқарганлигини, □ ўзининг телефон рақамига очилган □ учун □ учун профилидан интернет тармоғига тарқатган ҳолда давлат раҳбарларига ҳам туҳматлар қилганлигини, унга нисбатан даъвоси борлиги сабабли қонуний чора кўришликни сўраб берган кўрсатуви билан;

□ суралган гувоҳ □, судланувчини танишлигини, терговда берган кўрсатувини тасдиқлашлигини, бундан бир неча йиллар аввал икки нафар фарзанди учун ёрдам пули олиб келганлигини, маҳалла раиси □ учрашганда у тегишли ҳужжатларни олиб келишликни айтганлиги, ҳужжатларни топширганлиги, қонуний ёрдам пули олганлигини, раисга ҳеч қандай пул бермаганлигини, □ раисга пул берган деб ижтимоий тармоққа ёзиб туҳмат қилганлигини билдириб, берган кўрсатуви билан;

□ сўралган гувоҳлар □ ва □ гувоҳ □ кўрсатувида ўхшаш кўрсатувлари билан ўз тасдиғини топади.

□ ташқари, судланувчи □ айби, дастлабки терговда сўроқ қилинган ва тарафларнинг розилиги билан суд мажлисида кўргазмаси ўқиб эшиттирилган гувоҳларнинг кўрсатувлари, жиноят иши кўзғатиш ҳақидаги қарор, хизмат текширув хулосаси, тушунтириш хатлар, далолатнома, аризалар, фотоскриншотлар, гувоҳни сўроқ қилиш баённомалари, жабрланувчи деб эътироф этиш ҳақида қарорлар ва сўроқ қилиш баённомалари, юзлаштириш баённомалари, дискни кўздан кечириш ҳақида баённома, ашёвий ва ёзма далил деб эътироф этиш тўғрисида қарор, жиноят ишида гумонланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақида қарор ва сўроқ қилиш баённомалари, жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақида қарорлар ва сўроқ қилиш баённомалари ҳамда жиноят ишининг ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа бир қатор объектив далиллар билан ҳам тўлиқ ўз исботини топди.

□, судланувчига тергов органи томонидан қўйилган айбларни муҳокама қилиб, □ жиний ҳаракатлари □ □ ЖК □-моддаси □-қисмининг “а,г” бандлари, □-моддасининг □-қисми билан тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

□, судланувчи □ жиноят содир этишдаги ҳолатини муҳокама қилиб, унинг айбига иқрорлигини қилмишидан пушаймонлигини, оилалигини □ □ ЖКнинг □-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб, унинг ҳаракатида □ □ ЖКнинг □-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланмади деб эътироф этади.

□, судланувчи □ жазо турини белгилашда, содир этган жиноятларининг ижтимоий хавфлилиқ даражасини ва хусусиятини ҳисобга олиш билан биргаликда, уни айбига иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилали бўлиб бир нафар фарзанди борлигини, муқаддам судланмаганлигини, жабрланувчилар билан ярашганлигини,



жиноят содир этгандан сўнгги хулқ атворини инобатга олиб, [ ] [ ] [ ] [ ] [ ] йил [ ] февралдаги “ [ ] томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги [ ]-сонли [ ] раҳбарий тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин деган қатъий хулосага келиб, ЖК [ ]-моддасининг [ ]-қисми санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазоси, ЖК [ ]-моддасининг [ ]-қисми санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ЖКнинг [ ]-моддаларига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиб, қатъий ўташ учун озодликни чеклаш жазоси тайинлашни ҳамда ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг унга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чорасини бекор қилишни лозим топди.

[ ], ашёвий далил деб эътироф этилиб, жиноят ишига қўшилган телеграмм профилидан олинган фотоскриншотлар ва бир дона [ ]+R дискни жиноят иши билан бирга сақлаш ҳақида хулосага келади.

[ ] [ ] ЖКнинг [ ]-и, [ ], [ ], [ ], [ ]-и, [ ]-и моддаларига амал қилиб, суд ҳукм қилади,-

### Ҳ У К М:

[ ] [ ] [ ] [ ] ( [ ] [ ] ) [ ] [ ] ЖК [ ]-моддаси [ ]-қисмининг “а,г” бандлари ва [ ]-моддасининг [ ]-қисми билан айбдор деб топилсин.

[ ] [ ] [ ] [ ], [ ] [ ] ЖК [ ]-моддаси [ ]-қисмининг “а,г” бандлари билан [ ] (икки) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

[ ] [ ] [ ] [ ], [ ] [ ] ЖК [ ]-моддасининг [ ]-қисми билан [ ] (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

[ ] [ ] ЖК [ ]-моддалари тартибида тайинланган жазолар қисман қўшилиб, узил-кесил қатъий ўташ учун [ ] (икки) йил [ ] (уч) ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

[ ] [ ] [ ], [ ] тумани, [ ] МФЙдаги яшаш уйдан кечкурун соат [ ] эрталаб соат [ ] чиқиши чеклансин.

[ ] [ ] [ ] қуйидаги қўшимча чеклашлар юклатилсин:  
назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

-интернетдан фойдаланмаслик;

-[ ] вилояти ҳудудини тарк этмасликдан иборат қўшимча тақиқлар (чеклашлар) ўрнатилсин.

[ ] тақиқ (чеклашларга) ва мажбуриятларга риоя этиши устидан назорат олиб бориш [ ] туман ИИБ [ ] бўлинмаси зиммасига юклатилсин ва жазони ўташ муддати, у жазони ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.



□, озодликни чеклаш тариқасидаги жазосини ўташдан қасддан бўйин товлаб зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги оғирроқ жазо билан алмаштирилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилсин.

□ □ □ □ нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

□ далил деб эътироф этилиб, жиноят ишига қўшилган телеграмм профилидан олинган фотоскриншотлар ва бир дона □+R диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

□ норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, йигирма сутка ичида шу суд орқали □ вилоят судининг жиноят судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят беришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидир.

□ қилувчи:

ИМЗО

□

□ тўғри:

